

## ЯНА МУТОЛАА ҲАҚИДА

Давлатимиз раҳбарининг “Ўзбекистон Республикаси ахолисига ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишни янада тақомиллаштириш тўғрисида” 2019 йил 7 июндаги ПҚ-4354-сон қарорини ўқиб, кўпчилик қатори мен ҳам фаолиятини кутубхона, китоб ва мутолаа билан боғлаган инсон сифатида бениҳоя хурсанд бўлдим. Чунки бу қарор билан мамлакатимизда китобхонликни ривожлантириш масалалари тўғри ўзанга солиб юборилган эди. Нега бундай деётганимнинг маъносини кутубхоначилик тарихимизнинг яқин ўтмишига назар солинса, билинади.

Мана, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республика ахолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-381-сон қарори чиққанига ҳам 13 йилдан ошди. Бу муддат ичida мазкур қарорни бажариш юзасидан катта ишлар амалга оширилди, албатта. Кутубхоналарга ахборот технологиялари кириб келди, уларнинг халқаро миқёсдаги амалиёт билан танишуви, интеграциялашув, қисман бўлса-да, рўй берди, илғор мамлакатлар кутубхоналарининг тажрибаларини ўрганиш муайян даражада йўлга қўйилди. Лекин, шу билан бирга, кутубхоначилик амалиётида салбий ҳолатлар ҳам кўзга ташланди.

Хусусан, ПҚ-381-сон қарор “ахолини янада кенгроқ ва тизимли ахборот билан таъминлаш учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида” қабул қилинган эди. Ҳатто қарорда янгидан ташкил этиладиган “ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари юксак самара билан фаолият кўрсатишни ҳамда ахолининг барча қатламлари улардан бемалол фойдалана олишларини таъминласин” (Қарорнинг 5-банди, 6-хатбоши), деган топшириқ берилганига қарамай, амалда Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ва унга қарашли Ўрта маҳсус касб-хунар таълими маркази ҳамда Халқ таълими вазирлиги таълим муассасаларини ҳар хил хавфлардан эҳтиёт қилиш мақсадида мактаб ва лицей-коллежлар ҳудудига бегоналар киришини назорат қилиш ҳақида ўзларининг ички йўриқномаларини чиқардилар. Таълим муассасалари Ҳукумат қароридаги топшириқни эмас, ўзларининг бевосида раҳбарлари чиқарган йўриқномаларни бажаришга киришиб кетдилар. Уларнинг худудларига ўзларининг ўқувчи ва ўқитувчиларидан бошқалар эмин-эркин кира олмайдиган бўлди. Натижада оддий одамларнинг, шулар жумласидан, бобо ва бувиларнинг ҳам АРМлардаги китоблардан фойдаланиш имконияти деярли барҳам топди.

Маълумки, уч авлод бирга яшайдиган оиласларда, одатда, болалар тарбияси билан кўпинча бобо-бувилар шуғулланишади, дада-ойилар эса иш билан, хизмат билан машғул бўлишади (бу айниқса ўзбек оиласлари учун типик ҳолатdir). Набираларини китоб ўқишига, мутолаага ўргатиш, уларнинг қалбида китобга ҳавас ўйғотиш ҳам меҳрибон бобо-бувиларнинг зиммасида бўлар эди. Уларнинг кутубхонадан, янги китоблардан узилиб қолиши бориб-бориб невараларнинг ҳам

китобдан узоклашишига сабаблардан бири бўлди.

Жамиятда содир бўлган бу нохуш ҳолат илғор ва хушёр кишиларнинг диққатидан четда қолмади. Президентимиз Шавкат Мирзиёев юксак лавозимга сайланганига ҳеч қанча ўтмасдан бу муаммога эътибор қаратди: 2017 йил 12 январда “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича Комиссия тузиш тўғрисида” ПФ-4789-сонли Фармонга имзо чекди. Шу йил 13 сентябрда эса “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида” ПҚ-3271-сон қарор қабул қилди.

Орадан салкам бир йил ўтиб, 2018 йил 12 майда Президентимизнинг ёшлиаримизни ўзликни англаш, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, улар ўртасида китобхонлик маданиятини ҳар томонлама оммалаштиришга йўналтирилган “Буюк алломалар, адаб ва мутафаккирларимиз ижодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш мақсадида ёшлар ўртасида китобхонлик танловларини ташкил этиш тўғрисида” ПҚ-3721-сонли қарор эълон қилинди.

Юртбошимиз мутолаа масаласининг ёшлар тарбиясидаги ва, умуман, жамият ҳаётидаги ҳал қилувчи ахамиятига катта эътибор бераётганини 2019 йил 19 марта у киши томонидан илгари сурилган беш ташаббуснинг туртинчиси айнан ёшларни китоб ўқишига жалб қилиш эканидан ҳам билса бўлади. Қувонарлиси, бу ташаббуслар кундан-кунга қанот ёзиб, мамлакатимизнинг энг олис сарҳадларигача етиб бораётган бир паллада ПҚ-4354-сон қарорнинг қабул қилиниши бўлди. Тасаввур қилинг, республикамизда 186 та ҳаммабоб кутубхоналар –туман (шаҳар) ахборот-кутубхона марказларининг бирваракайига ташкил этилиши мамлакатимизда китобхонлик ҳаракатининг ривожига, мутолаа маданиятининг ўсишига нақадар кучли туртки беради.

Қарор билан 2019–2024 йилларда Ўзбекистон Республикасида ахборот-кутубхона соҳасини ривожлантириш концепцияси ҳамда 2019–2024 йилларда Ўзбекистон Республикасида ахборот-кутубхона соҳасини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастури тасдиқлангани эса нур устига нур бўлған. Энди ҳамма гап кўпсонли кутубхоначилар армиясининг халқимиз билан бирдам, ҳамжиҳат бўлиб мазкур ҳужжатларда белгиланган вазифаларни ўз вақтида, сифатли адо этишида қолган. Ҳорманг, омад сизга зиё масканларининг муҳтарама маликалари-ю шаввуз йигитлари! Ҳар бирингизнинг кўксингизда «Кутубхона аълочиси» нишони порлаб турсин!

**Абдусалом УМАРОВ,**  
“Kutubxona.uz” журналининг Бош муҳаррири